

ҲАММАСИ  
НИЯТГА БОҒЛИҚ

3

№ 17 (1119) 2021 йил 19 май, чоршанбо

1995 йил 10 июндан чиқиб бошлаган

www.mt.uz / gazeta@mt.uz / mtiklanish@mail.ru

КАРОР ҚАТЪИЙ:  
ХУКУМАТГА  
ҲАВОЛА ЭТАМИЗ

2

МОҲИЯТ  
МУҲИММИ  
ЁКИ ТАШҚИҚУРИНИШЭ

5

3

Азамат Зиё  
икки  
миллиардни  
қаерга  
сафлади?«Инсонларнинг дарду  
ташвишларини ўйлаб яшаш  
одамийликнинг энг олий  
мезонидир...».

4

Хайрулло  
Бозоров: «Ижод  
мактабининг илк  
бўтирувчилари  
бошқаларга ўрнак  
бўлади»Ёш ижодкорларни ҳар  
томонлама юллаб-кувватлаш,  
буоқ алломаларга муносиб  
ворисларни тарбиялаш  
борасида кенг кўламли  
ишлар амала оширилмоқда.  
Кўхна маданият масакни  
бўлган Марғилон шахрида  
халқимизнинг ардоқли шоири  
Эркин Воҳидов номидаги  
ижод мактабининг ташкил  
этилгани ҳам маънавиятга,  
адабиётта бўлган юқсан  
эътибор ифодасидир.

6

Наҳотки Хоразм  
ёрдамга муҳтоҷ  
бўлиб қолди?Комилжон ака Нуржоновнинг  
«очигини айтаверинг,  
ўзгариш бўладими ёки бу  
ҳам навбатдаги ширин  
ваъдами?» деган гапини энди  
тушундим...

7

Ким қилмағай,  
ким тортмағай...Ижтимой тармоқларни «портлатган» мавзу – на  
одамгарчиликка ва на бошқа  
инсоний қадрияларга  
тўғри келмайдиган, ҳатто  
ҳайвонот оламининг энг  
тубан махлуклари ҳам  
ҳазар қиласидиган жирканч  
қилимш – бир тўда  
ёввойларнинг ҳомиладор  
маъсумани зўрлашгани ҳеч  
бир юртдошимизни бефарқ  
қолдирмади.

Кеча соғлиқни  
сақлаш  
соҳасидаги  
ислоҳотлар  
самардорлигини  
ошириш ва  
ракамлаштириш  
жараёнларини  
жадаллаштириш  
масалалари  
муҳокама  
қилинган  
видеоселектор  
йигилишида  
тиббиёт соҳасида  
жуда катта  
ислоҳотлар  
амалга  
оширилаётган  
бўлса-да, улар  
натижасини  
халқимиз  
сезмайтгани  
таъқидланди.

# ПРЕЗИДЕНТ ЭНГ ОФРИҚЛИ МАСАЛАДА МУТАСАДДИЛАРНИ ОГОҲЛАНТИРДИ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЯНА БИР  
ТАШАББУСИ БМТДА МАҲҚУЛЛАНДИ



Ташқи ишлар вазирлиги  
хабарига кўра,  
18 май куни БМТ Бош  
Ассамблеясининг  
75-сессияси ялпи  
мажлисида Ўзбекистон  
Республикаси Президенти  
Шавкат Мирзиёев  
томонидан илгари  
сурилган Оролбўйи  
минтақасини экологик  
инновациялар ва  
технологиялар ҳудуди, деб  
эълон қилиш тўғрисидаги  
махсус резолюция бир  
овоздан қабул қилинди.




**ЖАРИМА  
БИЛАН МУАММО ҲАЛ  
БўЛМАЙДИ, ЖАНОБЛАР!**

3

4

ҲОЙ ДЕПУТАТЛАР,  
қачон саломга яраша  
алик олишни ўрганасиз?

Директор  
И.В.БўРИБОСАРОВ







Инсон ҳаёти жуда мураккаб, у баъзан адашади, билиб-бilmай жиноят кўчасига ҳам кириб қолади. Аммо унга тўғри йўл курсатиш, кўллаб-куватлаш халқимизга хос бўлган чинакам бағрикенглик ҳисобланади. Рамазон ҳайити муносабати билан яна бир бор ана шундай бағрикенгликка кўл урилди: Узбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевинг «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига ўтган бир гурух шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Фармонга мувофиқ, билиб-бilmай жиноят содир этган, хозирги вақтда ўз қилмишига пушаймон бўлиб, қатъий тузалиш йўлига ўтган 100 нафар фуқаро афв этилди. Уларнинг 3 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 43 нафари жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод килинди, 10 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди.

## ҲАР ҚАНДАЙ ЭЗГУНИЯТ АМАЛИЙ НАТИЖАСИНИ БЕРМАСДАН ҚОЛМАЙДИ

Шунингдек, 44 нафар шахса тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддати қисқартирилди. Афв этилганларнинг 12 нафари чet эл фуқаролари, 4 нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, 6 нафарини аёл ҳамда 52 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этиди.

Мъалумки, 2017 йилнинг 29 сентябрда Давлатимиз раҳбари томонидан «Узбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг йигирма беш йиллиги муносабати билан жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтётган маҳкумларни афв этиш ҳақидаги материалларни тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинган эди. Унга кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилиувчи органлар, судлар, жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат ишчи гурух Президент ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия билан ҳамкорликда жойларга чиқи, бар бир маҳкум билан юзма-юз учраши. Мулоқотлар ўширилди, маҳкумлар томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий даражаси, унинг

ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши, жиноят натижасида етказилган зарарнинг қоплангани, маҳкумнинг ёши, соглиги, оиласлави аҳволи ва енгиллашибуви бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилди. Жабрланганлар ва жамоатчилик, маҳкум юшаган маҳалла фаолиятининг фикрлари ҳам инобатга олинди.

Ўрганишлардан сўнг 2017 йилнинг декабрида Узбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг йигирма беш йиллиги муносабати билан афв этиш тўғрисида»ги фармон қабул қилинди. Фармонга кўра, 2 минг 700 нафар маҳкум афв этилган эди. Шунинг қайд этиши жоизки, шунчага ҳам ҳар ийли амнистия тўғрисида ҳужжатлар қабул қилинади, аммо амнистия туфайли озодликка чиқариладиган шахсларнинг аниқ гурухи белгиланмасди. Унда фақат жиноят турлари кўзда тутилиб, озодликка чиқариладиган шахслар амнистия тўғрисидаги ҳужжат ижросини таъминлаш жараённи аниқланарди, холос. Кейинги

йилларда эса бир неча бор афв этиш тўғрисида фармон эълон қилиниб, минглаб фуқаролар ўз оиласи багрига кайтаради.

Ўз фарзанди дийдорини кўриш наисбет қилганига шукронга айтиётган қариялар, тумуш ўртогининг фарзандлари багрига қайтишини кутган аёллар кўзидаги кувонч ёшлари, ота меҳрини ҳис қилишга улугрмаган болалар кувончи... Албатта, бундай баҳтли, дориламон кунлар тинчлик ва барқарорлик каор толган юргатнина ярашиди.

Бугун ҳалқимиз «Инсон манфати ҳар нарсадан устун», «Ҳалқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари ҳалқимизга хизмат қилиши керак», «Исложот – инсон учун» тамомиллари остида кечакётган ислоҳотлардан ишонч ҳосил қилимади. Одамлар ҳоших-истаги билан амалга оширилган ҳар қандай эзгу мақсад эса, албатта амалий натижасини бермасдан қолмайди.

**Руслан ЖУМАМУРАТОВ,  
Олий Мажлис Конуничилик  
палатаси депутати,  
«Миллий тикланиш»  
демократик партияси  
фракцияси аъзоси**

## Азамат Зиё ИККИ МИЛЛИАРДНИ қаерга сарфлади

«Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш одамийликнинг энг олий мезонидир...»

Ҳалқ қабулоналари пештоқига ёзиб қўйилган ушбу сўзлар барча даражадаги депутатларни сайловчи ишончига масъулият билан қараша ундаёттир, десак муболага бўлмайди.

Ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Азамат Зиё Ҳамид ўғли ҳам баҳоли қудрат пойтахтимиз ободлиги йўлида меҳнат қилаётган партиядошларимиздан. Азамат Зиё салкам 30 йилдирки, депутатликнинг каттиқ нонини еб, ҳалқимизга хизмат қиляпти.

Азамат Зиё Учтепа туманидаги 1-«Дегрез» сайлов округидан депутатликка сайланган. Ушбу округга «Бекобод», «Шарқгули», «Истироҳат», «Қор ёдди», «Шоғайзобиг» каби 12 та маҳалла киради. Бу эса, шунчак маҳалланинг муаммоси депутатнинг ҳам муаммоси, бу маҳаллалар аҳолисининг дарди, ташвишига уҳам шерик, деганидир.

Айни пайтда ҳам сайловчилар билан ҳокимлик ўртасида кўпrik вазифасини ўташга ҳаракат қилаётган Азамат Зиё узок йиллардан бери аҳолини қийнаб келаётган кўплаб муаммаларга ижобий ечим тошиб келмоқда. Пойтахтимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ҳам унинг ўзига хос ҳиссаси бор.

Мъалумки, ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларининг ўз округларидаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш

бўйича билдирган таклифларига биноан маблағ йўналтириш бўйича Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгор Ортиқўжаевнинг қарори асосида ажратилган 2 млрд. сўм ҳам депутат томонидан аҳолининг ҳаётий муаммоларни ҳал этишга сарфланди. Жумладан, Учтепа туманидаги 22-сонни оиласави поликлиникага 550 млн.сўмга замонавий рентген аппарати олиб берилди.

«Утқир», «Жарубулоқ» маҳаллаларида эса коллектор ва дренаж ишлари олиб борилди. 12 та маҳалла ўчаларининг ичкӣ йўллари асфальтланди. Тумандаги 4-, 75-, 109-сонни умумталим мактаблари таъмири учун ҳам маълум миқдорда маблағлар йўналтирилди. Шунингдек, депутат ташаббуси билан маҳаллалардаги «Темир дафтар», «Аёллар дафтар», «Ёшлар дафтири»га киритилган фуқароларнинг Бухоро, Самарқанд ва Хива шахарларига белуп саёҳатлари ўюштирилди.

Сенатор, Узбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши аъзоси, Азамат Зиёнинг ОАВдаги фаоллиги хусусида ҳам кўн гапириш мумкин. Энг муҳими, у лоқайд, зътиборсиз эмас. Азамат Зиё учун майди ёки иккинчи дарожали амалларнинг ўзи йўқ. Бу эса буғунги ислоҳотлар даврида депутатдан талаб этилаётган асосий вазифадир.

Гулнора ВАҲОБОВА,  
Учтепа туман кенгаши раиси

Нуқтаи назар



БМТ маълумотига кўра, дунё аҳолиси 8 миллиардга яқинлашмоқда ва бу рақам 2050 йилда 9,7, 2100 йилда эса 11,2 миллиардга ётиши таҳмин қилинти. Аҳолининг 55 фоизи шаҳарларда истиқомат қилаётган бўлса, 2050 йилга бориб бу рақам 70 фоизга ётади. Таҳлилчиларнинг фикрича, бу, ўз навбатида, катта-кичиш шаҳарларда чиқиндилар билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқарти. Ҳар ийли майший чиқиндилар аҳоли жон бошига 1 фоизга ошаётганини эътиборга олсан, демак, муаммони ҳал қилиш бўйича тезкор чоралар кўрилиши, акс ҳолда дунё экологиясига янада жиддий хавф туғилиши мумкинлиги аён бўлади.

Айни пайтда улкан курилиш майдонига айланган Ўзбекистон ҳам ушбу муаммодан ҳосил эмас. Майлумотларга қараганда, сўнгги йилларда мамлакатимизда йилга 100 миллион тоннадан ортиқ саноат чиқиндиси, 35 миллион тоннага яқин майший чиқиндиси ҳосил бўляпти. Чиқиндоналар ва чиқинди саклаш омборхоналаридан эса 2 миллиард тоннага яқин саноат, курилиш ва майший чиқиндиси сақланадиганини, улар эса жами 12 минг гектар майдонни эгаллаб ётгани айтимоқда.

Тармокни мувофиқлаштируви ҳамда назорат қилиувчи ягона давлат органи йўқлиги боис, чиқиндиларни саклаш, полигонларга жойлаштири ва уларни йўқ қилишига етариҷа ҳарорат қаратилмаяпти. Жумладан, айрим худудларда курилиш чиқиндиларини жойлаштири полигонлари ташкил қилинмагани натижасида уларни автомобиль йўллари ва сув объектлари бўйларига ташлаб кетиши ҳолатларни кўпайти. Тиббиёт биоэко-биологик чиқиндиларнинг хавфлилек даражасидан келиб чиқсан холда утилизация килиш борасидаги ишлар ҳам кўнгилдагидек эмас. Энг ёмони, бу аҳоли орасидан турли юқумли касаллар тарқалиш хавфини туғдирмокда. Мутасаддилар эса айборларга нисбатан жаримага тортиш билан чекланятилар, холос.

Шунингдек, майший чиқинди полигонларининг атрофи-ири ўшар бўйича ишлар талаб даражасида олиб борилмаган, полигонлар эса рекультивация қилинмасдан ўз ҳолига соҳаҳисадаги муносабатларни ташлаб қўйилмоқда. Май-

соҳани тубдан жиддий ислоҳ килиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Чиқиндилар билан боғлик ишларни амалга ошириш соҳаҳисадаги муносабатларни тартиби гелиш ҳамда

да 538 та маҳсус техника ҳарид қилинди, жорий йил якунига қадар яна 280 та маҳсус техника сотиб олиниши режишаётган. Осиё тараққиёт банки кўмагининг «Қаттиқ майший чиқиндиларни барқарор келмоқда» лойиҳаси доирасида 339 та маҳсус техника ҳарид қилиниш боришини билди.

Мамлакатимиздаги реал ҳолатдан келиб чиқиб, 2020 йилнинг сентябрда келиб Узбекистон Республикаси Президентининг «Майший ва курилиш чиқиндилар билан боғлик ишларни башкариш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карор қабул қилинди. Унинг ижроси доирасида жорий йил Андижон ва Самарқанд вилоятларида биттадан давлат-хусуси шериклик лойиҳалари бўйича тендернинг биринчи босқичига ҳам киришилди. Тошкент вилоятида ҳам бу борада самарали ишлар олиб бориляпти. Шунингдек, мамлакатимизнинг башкариш қўйилган бўлиб, қоғоз, пластик, алюминий каби ҳом ашъоҳишилдиган.

Мамлакатимиздаги реал ҳолатдан келиб чиқиб, 2020 йилнинг сентябрда келиб Узбекистон Республикаси Президентининг «Майший ва курилиш чиқиндилар билан боғлик ишларни башкариш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карор қабул қилинди. Унинг ижроси доирасида жорий йил Андижон ва Самарқанд вилоятларида биттадан давлат-хусуси шериклик лойиҳалари бўйича тендернинг биринчи босқичига ҳам киришилди. Тошкент вилоятида ҳам бу борада самарали ишлар олиб бориляпти. Шунингдек, мамлакатимизнинг башкариш қўйилган бўлиб, қоғоз, пластик, алюминий каби ҳом ашъоҳишилдиган.

Шу ўринда Президентимизнинг 2019 йил 17 апрелдаги қарори билан «2019-2028 йилларда Узбекистондан қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлик ишларни амалга ошириш стратегияси» тасдиқланган. Унда қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлашнинг самарали ва замонавий тизимини яратиш кўзда тутилган ва айни пайтда Тошкент шаҳрида мазкур қарор ижроси доирасида амалий ишларга киришилганини таъкидлаш жоиз.

Гайрат САФАРОВ,  
Олий Мажлис Конуничилик  
палатаси депутати,  
«Миллий тикланиш»  
демократик партияси  
фракцияси аъзоси





## МОҲИЯТ МУҲИММИ ЁКИ ТАШКИ КЎРИНИШ?

«Мақом» тушунчаси  
илк бор XIII  
аср ўрталарида  
— Аббосийлар  
сарайининг буюк  
мусиқашуноси  
Сафиуддин Урмавий  
томонидан  
кулланылган бўлиб,  
XX аср бошларигача  
бу иборадан кўплика  
яъни «мақомот»  
шаклида фойдаланиб  
келинган. Бунда  
мақомот сўзи парда  
тузулмаларининг  
мукаммал тоғаси  
матносида  
ишлатилган ва 12  
мақомининг ҳам бирин  
рамзий-мажозий  
номлар билан  
атаглан: Рост,  
Ушишор, Наво, Баёт,  
Раховий, Ҳусайнӣ,  
Хизжоз ва ҳ.к.з.  
Бошқача айтгандা,  
илгари «мақом» деб  
атаглан муайян  
мусиқий йўналиши  
бўлмаган. Эндиликда  
қўлланыладиган  
«Шашмақом»  
атамаси ҳам XIX аср  
ўрталаридан бошлид  
созонадал шевасиодан  
(«жаргониодан») кириб  
келган ҳамда йиллар  
девонидан илмий  
тушунчага айланниб  
көлган атамадир.

Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Қарорининг 3-иловасида «Мақом маркази» хақида сўз юритилиб, ушбу марказни илмий-ижодий бирлашма шаклида тузиш. Юнус Ражабий Номидаги «Мақом ансамбли»ни эса унинг таркибига киритиш белгиланган эди. Бугун пойтахтимизда «Мақом маркази» қўрилиши ҳам жадал олиб борилмоқда. Соҳанинг бир вакили сифатида мен ҳам ушбу ишното қурилишини кўллаб-куватлайман, албатта. Аммо бугун Марказ биносидан кўра, унинг «ичи», яъни моҳияти хақида кўпроқ ўйласак мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман.

Давлатимиз раҳбари Қарорининг мазмун-моҳиятига Чуқуррок эътибор қаратсан, унда ўзлигимизни англаш, ёш авлондин диди ва тафаккурини шакллантириш, бунда мақом имкониятларидан ҳам еттарлича фойдаланманаётганимиз тўғрисида сўз боради. Қарорда, шунингдек, асосий эътибор мақом санъати маркази фаолиятини давлат илмий-ижодий муассаса шаклида ташкил этилишига қаратилиши белгиланган.

Худди кечагидек эсимда. 2016 йили Давлат мукофотларини топширишга бағишланган тантанали маросимда Президентимиз кўлнимин маҳкам қисиб, миллий мусиқамиз муаммоларин ҳал қилишда Сизга ишонамиз, деган эдидар. Ўша гапдан таъсирланиб «Ўзбек мусиқаси» фундаментал тадқиқотини нашрга таёrlагандик.

Ўзбек мусиқаси ҳақида гап кетганида, 1971 йили ЮНЕСКО қошидаги Халқаро Мусика Қенгаши (ASM) томонидан собиқ иттифокининг миллий мусиқа соҳасидаги сиёсати таҳтил қилингани, мамлакатда бошқа халқлар мусиқасини «руслаштиришга» зўр бериладигани кескин танқид қилинганини таъқидлаш жоиз. Ўша воқеадан кейин зудлик билан Тошкент консерваториясида уч нафар ходими бўлган «Шарқ мусиқаси» кафедраси ташкил қилингани ҳам кечагидек ёдимда.

Мухтор Ашрафий ректор бўлиб келган пайтлар эди. Юқоридан топширик бўлди, шекилини тездан Москвага хат тайёрлаш кераклигини айтиб қолишиб. Ҳар куни ана шу хат лойихасини тайёрлаб, ректорга кўрсатаман. Аммо негадир редакторимиз хатни қўлига олиб ҳам кўрмайди. Факат ўқиб беришини илтимос қилиди, мен қайта-қайта ўқийман. Кейин эса бирор ўйланган ҳолда яна «ишлаш керак» деб топширик беради.

Шу тариқа Москвага юбориладиган хатнинг бир неча нусхалари тайёрланди. Бир куни ректоримиз ўз хонасига чақириб қолди. Кирсан, ранглари оқариб кетган ҳолатда ўтириби. Оғзига валидол ташлаб олганга креслога суюнниб, паст овозда гап бошлади: «Сизни ҳам қўйнаб юбордим. Биласизми мен кимман, мен Ашрафийман. Хоҳлайсизми, ҳозир сизни Рашидов билан телефонда гаплаштираман. Бу кўлимдан келади. Аммо тушунинг, хат ёзиши менинг кўлимдан келмайди. Чунки мен мадрасада ҳам, консерваторияда ҳам ўқимаганман... Энди хатни Москвага ўзингиз олиб бориб, ўкув режаларини ҳам тасдиқлатиб келасиз...

Булиб ўтган сұхбатдан кейин иккى ойча Москвада яшаб, янги кафедра ҳужжатларини

тасдиқлатиб келганман. Тошкента қайтгач, дарҳол ишга киришиб кетдим.

Үн тўрт йил кафедрага мудирлик қўлган йилларимда жуда кўп нарсаларни кўрдим, ўргандан. Ҳозир бирорга айтсанг ишонмаслиги мумкин. Ўша пайтлар консерваторияда ўзбек мусиқаси бор-йўги ярим йил ўтиларди, ҳолос. Унинг ҳам 80 фоизи композиторлар ижодига, қолгани ҳалқ мусиқасига бағишланган бўларди. Москвада янги ўкув режаларини тасдиқлатиб келганимдан кейин мусиқага бўлган муносабат ҳам ўзгарди. Энг мусиҳими, ўзбек мусиқаси 4 йил ўтиладиган бўлди: бир йил ҳалқ мусиқаси, бир йил миллий классика — мақом ва иккى йил композиторлар ижодига. Ҳуллас, «Шарқ мусиқаси» консерватория тизимишга шу тарзда киритилди. Шунинг учун ҳам биз кўзланган натижага эриша олмадик, деб ўйлайман. Вақтлар ўтиб, фоя ҳам аста-секин сўна бошлади.

Лекин санъат аҳли орасида миллий қадриятларга бўлган эҳтиёти шу қадар кучли эдикни, Фахриддин Содиков, Махмуджон Муҳаммедов, Турғун Алимтов каби санъаткорлар хамда Ишқон Ражабов каби шарқшunos-мусиқашунослар ўкув дастурларисига ҳам мусиқа маданиятини асосини яратади. Олдилар. Уларга эргашганча Шавкат Мирзаев, Үлмас Расулов, Абдуҳошим Исмоилов, Муножат Йўлчиева каби забардаст мақом дарғалари етишиб чиқди.

Ана шундай талаб ва эҳтиёжлар мухитида эса араб, форс ва эски ўзбек тилидаги мусиқий қўллэзмаларни ўқиидиган, рус ва инглиз тилларини мукаммал биладиган Александр Жумаев, Ирода Даҷадоновадек жаҳон тан олган ўзбек мусиқашунослари саҳнага чиқдилар. Лекин соҳада даставаш кўзга ташланган тикланиш жараёни узоқка бормади. Устозшогирдчилик даври ўтиши билан соҳа яна эгасиз қолгандек бўлди. Натижада мусиқий мағкуранинг илмий пойдевори, ўйлдиши заифлаша бошлади.

Агар ўтмишга мурожаат қисак, Навоийнинг жуда катта меҳри ва муҳаббати куршовида шоир Баҳридин Ҳилолий, рассом Камолиддин Бехзод, адаб Зайниддин Восифий, тарихчи Фиёсiddин Ҳондамир, мунажжим ва мусиқашунос Нажмиддин Кавқабий каби ўз замонасиининг беназир санъаткорлари етишиб чиққанини кўрамиз. Энг мусиҳими, ана шу «академия»да Навоийдан тортиб барча толиблар мусиқа илмидан хабардор бўлганлар. Улар соҳа чалган, мурғар (якка) туркмумлий ийрик чолгу ва ашула асарларини ижод қила оладиган кишилар эди. Бу эса мусиқанинг Темурйлар даври таъмаддунининг асосий илмаридан бир бўлган дейишига таъмаддунни ташкил араб, форс ва ўзбек учтилиги хўм сурған бўлса, XXI аср бошига келиб, ўзбек мусиқаси майдонига ўзбек, рус ва инглиз учтилиги кўшилди. Бугун ўзбек олимлари А.Жумаев, И.Дадажоновалар бу тилларда китоблар ёзиб, илмий маърузалар киплоқдалар. Америка ва Европанинг таникли олимлари ўзбек маданияти, жумладан, мусиқаси ҳақида ҳавас қиларни илмий тадқиқотлар олиб боришини.

Президентимизнинг Учинчи Ўйониши даври ҳақидағи фикрлари моҳиятида ҳам бир назар ташлайлик. Кимларди бу фикрни реаликдан узоқда кўраётган бўлиши мумкин. Лекин биз яшайдиган заминда Учинчи Ўйониши даври ўзбек, Биринчи Ислом Уйониши даврининг посбонлари, жумладан, мусиқий узбек мусиқаси майдонига ўзбек, рус ва инглиз тилларда яшайдиган тартибни, узбек мусиқаси ташкил араб, форс ва юнанишга киритилди. Биринчи Ислом Уйониши даврининг посбонлари, жумладан, мусиқий узбек мусиқаси майдонига ўзбек, рус ва инглиз тилларда яшайдиган тартибни, узбек мусиқаси ташкил араб, форс ва юнанишга киритилди.

Биз эса кўчма маънодаги ана шу академияни пойдеворида бунёд этилган жаҳоншумул мусиқий қадриятлар меросхўримиз. Бу қанчалар шарафли бўлса, шу даражада масъулиятли ҳамдир. Урта Шарқ оламиининг Фаробийдан Фитратгача бўлган мусиқий дарғаларини олинг. Уларнинг барчалари шу заминда етишиб чиққанлар. Муҳаммад Ҳоразмий, Ибн Сино, Фахриддин Розий, Муҳаммад

Нишопурӣ, Сафиуддин Урмавий, Абдулқодир Марғорӣ, Абдураҳмон Ҳомий, Алишер Навоӣ, Нажмиддин Қавқабий, Дарвиш Али Чангий, Абдурауф Фитрат ва ҳ.к.

Маълумки, буюк тамаддунлар ҳеч қачон бир тиллик бўлмаган. Зикр этилган дошишмандларнинг мусиқий тадқиқотларининг тўрттаси араб, олтиласи форс, иккитаси ўзбек тилида яратилган. Алишер Навоийнинг «Ҳазоин» чарҳида қадар оғизи ўзбек шернишматлари ва илмий асослари ҳам учтилилк томирлардан озуқ олади, десак хато бўлмайди.

«Ашрақат мин шамсул

каси анвори худо,

Майдо кўр ёр жамоин деб

жомдин чиқди садо».

минида бизнинг мақомотимиз (мақомимиз эмас) — Бухоро Шашмақоми, Ҳоразм Дутор мақомлари ва Олти ярим мақоми, Фарғона-Тошкент мақомлари XX аср ўрталарида шаклланган ўзбек Шашмақоми мумкаммал мусиқий тизим сифатида жаҳон аҳли эътиборини тортаётганини изоҳлашга ҳожат йўқ, албатта. Ҳанузгача мақомот мулкунинг шеърий матнлари ва илмий асослари ҳам учтилилк томирлардан озуқ олади, десак хато бўлмайди.

Шу нуқтадан назардан, балки улкан «мақом марказлари» бинопарини куришдан олдин, барҳатд санъатнинг миллий руҳини тиклаш, ёш ниҳолларни танлаб олиб, улардан янги Абдуҳошим Муножатлар, Александру Иродалар етиш

чиқарилган давларини бир эслагайлик. Ҳуанданд бинонинг (биринчи қавати) ташки қисми қизил мармардан ишланди. Ичкариси ҳам қиммат баҳо жиҳозлар билан безалди. Киршига «Ўзбекистон композитор ва бастакорлар уюшмаси» дея зархатлар билан ёзил кўйилди. Аммо, «бастакорлар» қаёда қолди-ю, «бастакорлар» қаёда қолди? Айтмокчиманки, «Мақом маркази» масаласида ҳам ана шундай хатога йўл кўйимаслигимиз керак.

Тан олишимиз керак: бугун «урал хори жамоаси» шаклида 20-30 та қоти қолган хайкал каби эски йўлдаги мақом ансамбларини ким эшитади? Ҳар бир ижрочи ўз ишларига ижодий ёндашади, ўзидан қўшмаганида Ҳожи Абдулазизу, Домла Ҳалимлар, Маъмуржону Комилжонлар ёки яқин замондошимиз Отажон Ҳудойишукурловларнинг бетакорлиги қаерда қоларди? Нодир овоз соҳиби, сеҳграр созандо ўз мухлисини қойил көлдирилмаса, ҳаммаси бир изга туширилган катта жамоа ижоридаги мақомда қандай жозиба бўлиши мумкин?

Мақомнинг жуда кўп илмлардан иборат илдизлари ўзига «алгоритми», яъни қонуниятлар тизими борлигидаги. Унинг ҳар бир унсурни товуш, нағма (парда), оралиқ, жинс ва жамлар (тovушқаторлари) ўз қонунларига (назариясига) эҳтиёжадир. Бир бутунликда олингандага эса, назариялар тизими пайдо бўлади: парда, куй, оҳанг, усул, вазн, таркиб, тасниф, ижро, овоз, соз, ҳамнафаслик, жўрнавозлик ва ҳ.к.з.

Риёзийётда ана шу қонун-коидалар, рақамлар билан ифодаланган сонлар тизими Ал Ҳоразмий ибораси билан «алгоритм» дейилган. Соз санъатига нисбатан уни фақат шартли равишда ишлатиши мумкин, албатта. Зоро, мусиқада бундай ақлий устунлар ёнига Турғун Алимтов, Шавкат Мирзаев, Абдуҳошим Исмоилов, Берта Давидова, Муножат Йўлчиева каби бошқа-бошқа мактаб вакилари кўлланаған тартиби ва низомлар ҳам қўшили бораверади.

Шундай йўл тутилганида-гина «алгоритм тизими»нинг каторлари янада узунлашиди, мурakkabлашиди. Уларни алоҳида ва бир бутунликда ўрганиш, ўрганиш ва яна ўрганиш лозим. Ана шундагина янги шахсларнинг ўзлиги, кимнинг қимматлиги аён бўлади. Яна бир гап, Урф-одат (шевада анъана) бу — коти қолган музей экспонати эмас. Улар ҳар доим ҳаётни илдизларидан озуқ олади. Шираси қочган, жозбасиз эски қўшики ким эшитади? Алишер Навоий таъбирида ишқ йўлига шайланган Фарҳодга отаси шундай дуо қиласи:

Топилгай шояд айтурга  
бир сўз,

Сўз айтур ул ён  
тушмаган кўз.

Ҳақ айла тархине  
тоза бўлгай,

Майлинг улусга  
беандоза бўлгай.

Йўқ эрса назм  
қилгани ҳалойик,

Муқаррар айламоқ  
сендин не лойик.

Бугунги «Мақом маркази»нинг курилиши ҳақида кўп гапирилмиз. Зоро, мақом энг аввало, ансамбллашган куй ва ашупалларнинг котирилган шакли эмас. Демак, санъат яшаши, ижоднинг давомиёт бўлиши учун, янгиланишдан ўзга чора йўқ. Яни, бошқаларни тақрорламоқ, «мукаррар айламоқ не лойик».

Хуанданд бинонинг ҳаётни яшаши, санъат яшаши, ижоднинг давомиёт бўлиши учун, янгиланишдан ўзга чора йўқ. Яни, бошқаларни тақрорламоқ, «мукаррар айламоқ не лойик».

Отаназар МАТЕҶУБОВ,  
ўзбекистон санъат арбоби

Ана шундай улкан мерос за-

# НАҶОТКИ ХОРАЗМ

## ЁРДАМГА МУҲТОЖ БЎЛИБ ҚОЛДИ?

КОМИЛЖОН АКА НУРЖОННОВНИНГ «ОЧИФИНИ АЙТАВЕРИНГ, ЎЗГАРИШ БЎЛАДИМИ ЁКИ БУ ҲАМ НАВБАТДАГИ ШИРИН ВАҶДАМИ?» ДЕГАН ГАПИНИ ЭНДИ ТУШУНДИМ...

«Ишонч» газетасида чоп этилган «Хива музейлари жозибаси нимада?» сарлавҳали мақолани ўқиб, Урганч шахридаги «Авесто» жамоатчилик музейининг бугунги куз олдимга келди.

Маълум бўлишича, ушбу музей Хоразм вилояти «Олтин мерос» жамғармасига қарашли бўлиб, жамғарманинг ўзи 1996 йилнинг 27 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг маҳсус қарори билан ташкил этилган хайрия ташкилоти экан.

Жамғарма раиси К.Нуржонов тақдим этган маълумотларга кўра, 400 дона экспонат билан иш бошлаган музей бугунга келип 5 мингдан зиёд нодир ва ноёб экспонатларга эга. Аммо музей бойликларининг қай холатда сақлангаётганини кўриб, ушбу муассасаса бирон-бир мутасаддининг, ҳеч бўлмаса Урганч шаҳри ҳокими Ойбек Холбоевнинг эътиборини ҳам тортмайдиган даражага тушиб қолгани сабабларини излай бошладим.

Эътибор қилинг: музейда Коқақалпогистоннинг «Чиллиққалъа» қаъридан топилган «Тошга айланган дараҳт» парчаси бўлиб, ушбу экспонатнинг ёши 85-90 миллион йилга teng экани айтилмоқда. Музейнинг «Хоразм - имл-фан ўчиги», «Буюк алломалар эли», «Этнография», «Санъат ва адабиёт» каби бўлимларидан эса Алишер Навоийнинг Хиротда кўчирилган «Хамса» достонлари кўлләзмасининг (XVI-XVII аср) 1876-1886 йилларда Хива тош босмаси асос (матрица) бўлган ноёб нусхаси бор. Айтишларича, ушбу кўлләзма 1937-1991 йилларда Хива шаҳри қабристонларига кўмик бўйилган ҳолда сақланган экан.

Мослаштирилган бинода, иншоотнинг коронгувга ва тар йўлакларида оёқости бўлиб ётган экспонатлар, жой йўклигидан деворларга сяуб қўйилган буюмларга қараб санъатга, тарихга жуда катта эътибор билан карашга одатланган Хоразмда шундай ҳолатни кўраётганингга

ишонмайсан киши.

«Авесто» жамоатчилик музейи гарчи шаҳарнинг қоқ ўртасида жойлашган бўлсада, қандайдир маҳобатли бинонинг қорувуллари ҳам ор қиласидан омборхонасида жойлашгани маҳаллий раҳбарларнинг тарихга бўлган муносабатини англатди, десак хато бўлмас.

Музейн томоши қилар эканмиз, икки нафар ёш ийитчанинг хатти-ҳаракатлари эътиборимизни тортди. Уларнинг музей ҳақида ҳикоя килиб берадиган олдага 2 минг сўм узатганини кўриб, кўрмасликка олдик. Аммо Зулфия исмли ола ана шу 2 минг сўмни бизга кўрсатиб, бугунги йўлкирасига етгулик пул тушганини айтди...

— Беш йилдан бери шу аҳволдамиз, — деди ола. — Ҳозир раҳбаримиз бетоблар. Ҳодимларимизга на ойлик берамиш, ва на бирон ёрдам.

Аввалига индамадик. Аммо музейни обдан айланаб бўлгач, кўрган кечирганингизни раҳбариятга етказишига, шундан кейин албатта, музей фаолиятида ижобий ўзгариш бўлишига вайда бердик...

Ушбу мақола саҳифаланаётгандан пайтда таҳририят телефони жиринглаб қолди. Нотаниш овоз, саломлашдик. Кейин сұхбатдошим ўзини танишиди: Хоразмданман, мен йўғимда музейимизга келган экансизлар...

Сұхбат якунда ёшулли бироз гина қўнгандек савол берди. Ука, муаммоломиз ҳал бўлармикин, нима дейсиз, ёки бу ҳам навбатдаги ширин вайдами...

Маълум бўлишича, ушбу ҳолатдан соҳа мутасаддилари хабардор бўлиб, улар ҳам музейга боргандаридаги хокисор жамоага ёрдам беришга вайда берган эканин...

Мақолага нуқта қўйиш арафасида музей жамоасини кийнаб келаётгандек муммомони қандай йўл билан ҳал қилиш мумкинлиги билан қизиқидик. Мутахассислар ягона ва тўғри йўл уни давлат тасаруфига олиш эканини таъкидлашди.

Бу ҳақда музей таассуротари дафтарида Ўзбекистон Қаҳрамони, мархум Абдулла Орипов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринbosари Акмал Саидов, АҚШнинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Помелла хоним, мархум академик Аҳмадали Аскоровларнинг илк сўзлари битилганини ҳам айтишиди.

